



230100, Nukus shahri, Dosnazarov ko'chasi, 62-uy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

230100, Nókis qalasi, Dosnazarov kóshesi 62-úy
Tel.: 0 (361) 222-24-37, 222-95-20, faks: 222-98-30
web-site: www.kkedu.uz, e-mail: mno.rk@exat.uz

« 29 » noyabr 2021-y.

№ 03-01/5-5385 « _____ »- _____ 2021-j.

XDFU

**Barlıq rayon (qala)lıq xalıq
bilimlendiriw bólimi hám
Respublikalıq bilimlendiriw
mákemeleri basshılarına**

Qaraqalpaqstan Respublikası Xalıq bilimlendiriw ministriligi Sizge, Qaraqalpaqstan Respublikası Ministrler Keńesiniń 2021- jıl oktyabr ayında "ijro .gov.uz" sestemasında qadaǵalawǵa alınǵan Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń párman, qarar, biylikleri hám tapsırmaları orınlanıwın támiyinlew nátiyjeleri haqqındaǵı 2021-jıl 15-noyabr kúngi 67-sanlı prezeidum májilisi bayanlaması orınlaw ushın jiberilmekte.


qosımsha _____ bette.

Ministr orınbasarı

SH. Tadjimuratov

Tayarlaǵan: M.Esbosinov
tel: (61) 222-52-25





2021-yil " " № _____

Nukus shahri

ХДФУ

Нукса

2021 йил «15» ноябрь

№ 67

Нукус шаҳри:

Раислик қилди:

К.Сариев - Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар
Кенгашининг Раиси

Қатнашчилар:

Н.Ерлеспесов, **Б.Аташов**, **Б.Хабибуллаев**, **Д.Каипов**,
М.Жуманов, **С.Турманов**, **Р.Зарикеев**, **Р.Сапарбаев**,
А.Исмаилов

Вазирлар Кенгаши аппарати масъул ходимлари
(рўйхат бўйича)

**2021 йилнинг октябр ойида "ijro.gov.uz" тизимида назоратга олинган
Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва
топшиқлари ижросини таъминлаш натижалари тўғрисида**

(Сариев, Ерлеспесов, Аташов, Хабибуллаев, Каипов, Жуманов, Турманов, Зарикеев, Сапарбаев,
Исмаилов, Расназаров, Сариев)

Ижро назоратини такомиллаштириш борасидаги Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони
ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори ижроси юзасидан
2021 йилнинг январь-октябр ойларида қуйидаги тизимли ишлар амалда
оширилди.

Ҳар ойда топшиқлар ижро ҳолати танқидий таҳлил қилиниб борилди.
Вазирлар Кенгаши томонидан Вазирлар Кенгаши Раисининг
Ўринбосарлари томонидан аппарат мажлисларида камчиликларга йўл қўйган
мутасалди раҳбарларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилмоқда.

Вазирлар Кенгаши масъул бўлган "ijro.gov.uz" тизимидаги бажарилмаган
топшиқлар ижро ҳолати ҳафтада 2 мартаба раҳбарият ҳузуринда, шу
жумладан Вазирлар Кенгаши аппарат йиғилишида тизимли муҳокама қилиниб,
уларни зудлик билан бартараф этиш бўйича тегишли топшиқлар берилиб
борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги
ПФ-6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори
таалабли асосда вазирлик ва идоралар, ҳўжалик бирлашмалари ҳамда шаҳар
ва туманлар ҳокимликларида ижро интизомий ташкил этилганлиги тизимли

равийда ўрганиб келинмоқда. Ўрганиш натижалари бўйича Вазирлар Кенгаши
Раисининг ўринбосарларга ахборот киритилиб, ижро интизомини
таъминлашда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан вазирлик
ва идораларга тегишли топшиқлар юборилмоқда.

"ijro.gov.uz" тизимидаги топшиқлар ижросини бажаришда юзага
келаётган камчилик ва муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилиш, масъул
ижрочиларга ҳуқуқий-услубий кўмаклашиш мақсадида Адлия вазирлиги билан
ҳамкорликда ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-
6166-сон Фармони ҳамда 2021 йил 31 майдаги ПҚ-5132-сон қарори талабларига
мувофиқ, "ijro.gov.uz" тизимида назоратга олинган топшиқларнинг 2021 йил
октябр ойидаги ижро ҳолати батафсил таҳлил қилинди.

2021 йил январь-октябр ойларида ижро мuddати келган топшиқлар
сони 101 тани ташкил этиб, шундан 24 та топшиқларда Вазирлар Кенгаши
масъул этиб белгиланган. Шундан 96 та топшиқ бажарилган ва 5 та
топшиқ бажарилмаган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил
5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон — 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни
самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сонли
Фармонининг:

1.2.1.10.3-бандга мувофиқ, жорий йил 31 октябргача ўқувчиларнинг
ўзлаштиришини ҳисобга олиш, ўқитувчилар фаолиятига оид статистика ва
ҳисобларни шакллантиришни назарда тутувчи "Электрон кундалик" ягона
тизимини;

1.2.1.12.3-бандга мувофиқ, "Электрон поликлиника" намунавий ахборот
тизимини "Рақамли Қорақалпоғистон Республикаси" геопорталига интеграция
қилиш белгиланган. Лекин шу кунгача Ахборот технологиялари ва
коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қорақалпоғистон
Республикаси бошқармаси (Т.Баекеев), Халқ таълими вазирлиги (Р.Рейимов) ва
Соғлиқни сақлаш вазирлиги (М.Курбанов) томонидан электрон тизимлар шу
кунгача интеграция қилинмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 21.04.2021 йилдаги "Геология
соҳасига инвестициялари фаол жанб этиш, тармоқ корхоналарини
трансформация қилиш ва республика минерал-ҳомашё базасини кенгайтириш
бўйича қўшмача чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-5083-сон қарори
1.4.19.1-бандга мувофиқ, Оролбўйи ҳудудини ер ости сувларида қудуқларни
бурғилаш фаолиятига давлаг-хусусий шериклик механизмини жорий қилиш
белгиланган. Лекин, шу кунгача давлаг-хусусий шериклик асосида
тадбиркорлик субъектлари аниқланмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.07.2021 йилдаги
"Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги
"Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб
эълон қилиш тўғрисида"ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари
тўғрисида"ги ПҚ-5202-сонли қарорининг 1-илова 9.2-бандига мувофиқ, кишик
спорт турларини ривожлантириш учун муз саройини барпо қилиш белгиланган.

QR XALIQ BILIMLENDIRUV
MINISTRLIGI
Kartis № 134 Xggy
"24" " 11 2021

Лекин, лойҳани амалга оширадиган ташаббускор тadbиркорлик субъектлари аниқланмаганлиги сабабли топирик бугунги кунга қадар бажарилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 15-16 декабрь кунлари Қорақалпоғистон Республикасига ташрифи давомида берилган топириклар ва кенгайтирилган таразда ўтказилган мажлиси 19109-хх-сонли баёни 20.2-бандига мувофиқ, Чимбой туманидаги эски пахта заводи биноси негизда тўқимачилик корхонасини ташкил этиш ва жорий йил 31 октябрда ишга тушириш белгиланган. Лекин, лойҳа ташаббускори томонидан чет эллик мутахассислар олиб келинмаганлиги сабабли, топирик шу кунгача бажарилмаган.

Бажарилмаган топириклар сони Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари кесимида тахлил қилинганда, асосий қисми Вазирлар Кенгаши Раисининг капитал курилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Е.Аташов (3 та), Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо вазيري Б.Хабидуллаев (2 та) хиссасига тўғри келади.

Юқоридати камчиликларни бартараф этиш, маҳаллий ижроия органларида ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг хужжатлари ва топирикларни ижросини сўзсиз таъминлаш, шаҳар ва туманлар хокимларининг, вазирик ва идоралар раҳбарларининг маъсулятини янада ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раёсати мажлиси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2021 йил 8 ноябрдаги “2021 йилнинг октябрь ойида “jrg.gov.uz” тизимида назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топирикларни ижросини таъминлаш натижалари тўғрисида”ги 163-сонли баёни ижро учун раҳбарликка олинсин.

2. Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мазкур баёни билан:

а) 2021 йилнинг октябрь ойида “jrg.gov.uz” тизимида назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топирикларни ижроси ҳолати бўйича Адлия вазирлиги томонидан тайёрланган таҳлилий маълумотнома маълумот учун қабул қилинганлиги;

б) Топириклар ижросини таъминлашда камчиликларга йўл қўйганлиги учун қўйидагиларга:

1) жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига ижроси таъминланган жами 115 та топирикларнинг асосий қисми, яъни 21 таси (18,2%) Молия вазирлиги хиссасига тўғри келганлиги молия вазирининг биринчи ўринбосари О.Насридинходжаев ва вазир ўринбосарлари Д.Султонов, А.Хайдаров, Ж.Абдуев ва О.Исақовнинг эътибори қаратилиши ва қаттиқ оғаҳлантирилганлиги;

2) топирикларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилиши юзасидан ташвирчан чоралар кўрилмаганлиги учун – соғлиқни сақлаш вазيري ўринбосари А.Азизов қаттиқ оғаҳлантирилганлиги;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 майдаги ПК-5132-сон қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Регламенти ташаббарига амал қилмаганлиги учун – Қашқадарё вилояти хоким ўринбосари А.Авазов, Тошкент шаҳар хокимининг биринчи ўринбосари Х.Шакиров, Асакабанк бошқарув раисининг биринчи ўринбосари С.Закиров оғаҳлантирилганлиги;

в) Молия вазирлиги (Ишметов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Хаджибаев), Транселорт вазирлиги (Махкамов), Туризм ва спорт вазирлиги (Азамов), Маданият вазирлиги (Назарбеков), Мақтабгача таълим вазирлиги (Шин), Давлат активларини бошқариш агентлиги (Ортиқов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (Сариев) ҳамда Тошкент шаҳар (Артиқходжаев), Жиззах вилояти (Салиев) ва Қашқадарё вилояти (Мирзаев) хокимлари, Асакабанк (Сайдуллаев) ижро интизомини таъминлашда йўл қўйилган камчиликларни ва бажарилмаган топирикларни пухта тахлил қилиши, маъсулларга тегишли чораларни кўриши ва амалга оширилган ишлар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига жорий йилнинг 20 ноябрга қадар ахборот киритиши топирилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Вазирлар Кенгаши Раисининг капитал курилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Е.Аташов, Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари – Инвестициялар ва ташқи савдо вазيري Б.Хабидуллаевга Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Хукумати хужжатлари ҳамда топирикларининг бажарилишини ташкил қилиш, хужжатлар билан ишлаш, ижро интизомини назорат қилиш, топириклар ижросини таъминлашда юзага келган муаммолар масалаларни ҳал этиш юзасидан ўз вақтида зарур чоралар кўрмаганлиги кўрсатиб ўтилсин ва қаттиқ оғаҳлантирилсин.

4. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси (Т.Басқеев) Халқ таълими вазирлиги (Р.Рейматов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (М.Қурбанов) билан биргаликда ўқувчиларнинг ўзлаштиришини ҳисобга олиш, ўқитувчилар фаолиятига оид статистика ва ҳисоботларни шакллантиришни назарда тутувчи “Электрон кундалик” ягона тизимини, “Электрон поликлиника” намунавий ахборот тизимини “Рақамли Қорақалпоғистон Республикаси” геопорталига интеграция қилиш ишларини якунлашсин.

5. Оролбўйи гидрогеология экспедицияси (Ш.Алимов) Оролбўйи ҳудудида ер ости сувларига қудуқларни бурғилаш фаолиятига давлат-хусусий шериклик механизмининг жорий қилиш бўйича зарур чоралар кўрсин.

6. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Нукус филиали (Б.Мамбетов), Нукус шаҳар хокимлиги (У.Панаев) қишқи спорт турларини ривожлантириш учун муз саройини барпо қилиш лойиҳасини амалга оширадиган ташаббускор тadbиркорлик субъектлари аниқлаш чораларини кўрсин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосарлари ўзлари раҳбарлик қилаётган комплекслар томонидан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва 2021 йил 31 майдаги ПК-5132-сон қарори билан белгиланган талаблар асосида топшириқларнинг ўз вақтида ва тўлақонли бажарилиши юзасидан таъсирчан чоралар кўрсин.

2021 йил ноябрь-декабрь ойларида ижро муддати келадиган топшириқларнинг вазирилик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ҳокимликлар раҳбарлари ишгирикда муҳокама қилсин ва уларни зудлик билан бажарилишни қатъий назоратга олсин.

Иш юритиш ва ижро интизомини мустаҳкамлаш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари давомида берилган топшириқлар ижросини сўзсиз сифатли ва белгиланган муддатларда таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга оширилишини мунтазам равишда назорат қилсин ва таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини ва Хукуматиининг ҳужжатлари ҳамда топшириқлари ижроси юзасидан маълумотларни Ягона идораларро ижро интизомини назорат қилиш электрон тизимига ўз вақтида ва сифатли киритиб борилишини қатъий назоратга олсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини ва Хукуматиининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг белгиланган муддатларида сифатли бажарилишини таъминлаш ва узлуксиз назорат қилиш юзасидан мутасадди вазирилик ва идоралар раҳбарларига тушунтириш ишларини олиб борсин, уларнинг масъулиятини оширсин.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган ишларни амалга оширишда хато ва камчиликлар ҳамда уларни келиб чиқиш сабабларини зудлик билан бартараф этиб борилишига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ташрифлари баёнларидаги айрим топшириқлар ижроси узок муддатга кечиктирилиб юборилаётганлигига, топшириқлар ижросини таъминлашда юзага келган муаммоли масалаларни ҳал этиш юзасидан ўз вақтида зарур чоралар кўрилмаётганлигига, қотибятлар томонидан баёнлар ижросини назорат қилиш самарали ва тизимли равишда ташкил этилмаётганлигига алоҳида жиддий эътибор қаратсинлар.

8. Вазирилик, идора, корхоналар раҳбарлари, шаҳар ва туманлар ҳокимликлари:

топшириқлар ижроси амалда назорат қилинишни шахсан ташкил этиш, бунда марказий ашаратларда, тармоқ ва ҳудудий органларининг ўрта ва кўйи бўғинларида ишларнинг реал ҳолатини танқидий ўрганишга эътибор қаратсин.

топшириқларни бажариш бўйича назорат ва ҳисобдорликни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 10 февралдаги ПФ-6166-сон Фармони ва 2021 йил 31 майдаги ПК-5132-сон қарори билан белгиланган тартибга қатъий амал қилган ҳолда ташкил этсин.

ижро интизомини мустаҳкамлашга ҳамда бу борада йўл қўйилаётган тизимли хато ва камчиликларни келиб чиқиш сабабларини бартараф этишга жиддий эътибор қаратсин.